



# Ishonch

**Моҳият**  
**Соғлом авлод тарбиясини жисмоний тарбия ва спорт ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.**  
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## ИСЛОМ КАРИМОВ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябр куни Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион ва гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичда ривожлантиришга хизмат қиладиган кенг қўламли масалаларга доир шериклик ва ўзаро анлашув руҳидаги самарали мулоқот бўйича катта тажрибага эга.

Президент Ислом Каримов Хиллари Клинтон билан суҳбат чоғида АҚШ Президентининг мамлакатларимиз ўзаро хурмат ва ишонч тамойилларига асосланган шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги савий-ҳаракатларни давом эттириши лозим, деган фикрини қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

АҚШ Давлат котиби, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

Америка маъмуриятининг юқори мартабали вакили Ўзбекистон минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида конструктив сиёсат олиб бораётганини ва бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини қайд этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида ҳам мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланган эди. Хиллари Клинтон Афғонистон муаммосини ҳал этиш ҳамда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлида Ўзбекистон қўрсаётган катта ёрдам учун Президент Ислом Каримовга АҚШнинг миннатдорлигини изҳор этди.

Томонлар икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.


Автомобилсозлик соҳасида изчил ривожланаётган ўзаро манфаатли алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яққол намуналаридан биридир. Хусусан, яқин кунларда энг замонавий экологик ва техник талабларга жавоб берадиган ва сўнгги технологиялар асосида йилга 200 минг дондан ортиқ автомобиль двигателларини ишлаб чиқарадиган «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси тўла ишга туширилди.

Хозир Американинг бир қатор йирик корпорациялари Ўзбекистонда кенг қўламли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришмоқда. Лойиҳалар, жумладан, юқори технологияли инновацион тармоқларни ҳам қамраб олган.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонлар, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ҳам фикр алмашдилар.

(Ў.А)

## Беш қитъани чорлаган Термиз



**19-23 октябр кунлари Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аънанавий X Халқаро турнир ва VIII Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

4-бет

### Хиллари КЛИНТОН:

## Ўзбекистон ёшлари юксак салоҳият ва иқтидорга эга

Мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтон 23 октябр куни Тошкентдаги Аёллар саломатлиги маркази фаолияти билан танишди.

Мазкур марказ аёлларга юқори малакали даволаш-диагностика хизмати кўрсатиш, аҳоли учун репродуктив саломатлик масалаларига оид илмий-оммабоп ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шифокорлар учун ўқув семинарлари ўтказиш, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини назорат қилиш ва туғруққа тайёрлаш, соғломлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Ушбу марказ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳоли-шунослик бўйича жамғармаси (UNFPA), АҚШ Халқаро ривожланиш дастури (USAID) каби кўлаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Хиллари Клинтон замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган ушбу марказда аёлларга юқори малакали шифокорлар томонидан кўрсатилаётган сифатли хизмат ти-

зимини юқори баҳолади.

АҚШ Давлат котиби шу куни Тошкент вилоятидаги «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасида ҳам бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига муюффиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамиздаги автомобиль двигателлари тайёрланадиган иқтисодий ишга қўшни заводини.

Мазкур ноёб ишлаб чиқариш корхонаси тўла ишга тушган, бу ерда йилга 200 минг дондан ортиқ автомобиль двигателлари тайёрланади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистонда, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хорижда-

ги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади.

Корхонада жорий йилнинг ноябрь ойида маҳсулотларни яли ишлаб чиқариш бошланади.

Мамлакатимиз автомобиль саноати ривожига улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу йирик ишлаб чиқариш корхонаси Хиллари Клинтондан катта таассурот қолдирди.

— Мазкур корхона фаолияти билан танишиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман, — деди АҚШ Давлат котиби. — Ушбу қўшма корхонага энг замонавий технологиялар жалб этилганининг гувоҳи бўлдим. Мазкур завод АҚШ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалдаги ёрқин намунаси. Корхона мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир рамзи бўлиб қолади. Ушбу корхона Америка ва Ўзбекистон муҳандислари ва мейморлари томонидан ҳамкорликда лойиҳа-

лаштирилган бўлиб, экологияга ва ён-атрофда яшовчи аҳолига зиён етказмаслик тамойилларига амал қилган ҳолда барпо этилган.

«General Motors Powertrain Uzbekistan»даги ишлаб чиқариш жараёни малакали ўзбек ишчилари томонидан олиб борилади. Мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. «GM» компаниясининг Ўзбекистонда иш юритиши АҚШнинг нафақат Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашига, балки Жанубий ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам бу йўналишдаги муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади. Мамлакатингиз илм-фан ва инновация борасида бой тарихга эга. Ўзбекистондан қўлаб буюк олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Жаҳонда «алгебранинг отаси» деб тан олинган Ал-Хоразмий ҳам шу заминда туғилиб, камолга етган. Бугунги ўзбек ёшлари ҳам юксак салоҳият ва иқтидорга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

(Ў.А)

### Мустақиллик шарофати

## «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

### ШУ ЁРЛИК ОСТИДАГИ КИЙИМЛАР БИЛАН ОЛИМПНИ ЗАБТ ЭТИШАДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг «Мусофир бўлмагунча...» ҳажвий ҳикоясида шундай сатрлар бор (балки, ўқигандирсиз): «Қийин шуларга! Тузалиқ ўзи тайёрлаган колбасани Москвадан олиб кетса, ярославлик ўзи ишлаган пишлоқни Москвадан харид қилса, дўппи кийган ўзбек ўзи экан пахтадан тикилган шимни Москвадан сотиб олса?..»

...Уч юз киши бирдан гапирса, ғалати бўларкан. «Мешочник» бўлдим, «эзқат» бўлдим, «приписчик» бўлдим, «басмач» бўлдим... Чидадим...»

Утган асрда ҳуқуқорлик қилган мустақил тузумнинг ҳақиқий қиёфасини таниш учун бундан ортиқ таъриф керак ҳам эмас, назаримизда.

Ўз меҳнати, умри сарфи билан бунёд этганларини «буюк оғаларига тутқаз-шига мажбур бўлган бечора халқнинг ҳаёт кўёши йиғирма йилдирки, кундан кун ёрқинлашиб бормоқда. Ўзбекка ўзинга беклик бахтини ато этган истиқлол сабаб халқ миллатлик шарафини ҳис этаётир. Бу омон-омон замонларда меҳнат ҳам, шараф ҳам бутунлай ўзинимизники! Энг асосийси ҳам шу, албатта.

Истиқлол туфайли яратилаётган шароит, кенг имкониятлар сабаб юртимизда турли даражадаги катта-кичик корхоналар ўз фаолиятини бошлади. Мамлакатимиз иқтисодига муносиб ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш объектиларининг ютуқлари ҳам ўзинга мос тарзда юксалмоқда. Юртбошимиз раҳнамоллигида тadbirkorларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилётгани ҳамда шакланган қўлай инвестицион муҳит ўз самарасини бермоқда.

Бу каби имкониятлардан унм-ли фойдаланиб, тараққиёт пилла-полярдан юксалаётган масканлардан бири — Наманган вилояти Чуст туманида фанлаган кўрсатилган «Styletextile» масъулияти чекланган жамиятидир. Айни шу корхона ходимлари томонидан тайёрланган трикотаж маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўзининг доимий хариддорларини топиб улгурди. Сизу биз шу сатрлар устида кўз югуртирилган чоғда дунёнинг қайси бир бурчидаги замондошимиз «Styletextile» футболкаси сабаб серкўёш юрт тафтини сезаётган бўлса не ажаб. Демакки, дунё аҳли «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан тайёрланган яна бир маҳсулотга қизиқиш билдирмоқда.

МЧЖнинг ишбилармон ва шижоатли раҳбари Дилшод Исматуллаевнинг таъкидлашича, Тошкент, Москва, Киев шаҳарларида маркетинг гуруҳлари иш олиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

### Етакчи минбари

Қорақалпоғистон Республикаси кейинги йиғирма йилда мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Қолаверса, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароити юксалди.

## Шароит бор жойда унумдорлик ҳам бўлади

10470 нафардан зиёд соҳа ходимларини бирлаштирувчи Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан юксалишлар билан ҳаммаҳанг равишда аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг эркин касб танлаши, хавфсиз ва қўлай иш шароитлари билан таъминланиши, даромадларининг ортиб бориши, меҳнат билан бандлиги каби қўлгана омиларда фаолиятимиз асоси бўлиб, аввало бу каби талабларнинг жамоа шартномаларида ўз аксини топишига катта аҳамият берилётир. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аъзоларнинг билим даражаси ва касб маҳоратини ортти-

риш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қўмақлашиш ҳам бирламчи вазифаларимиз сирасига киради. Албатта, уларнинг бўш вақтларини мазмуни ташкил қилиш, саломатликларини муҳофазалаш, мустаҳкамлаш, маънавий камолотини таъминлаш ҳам иш режаларимиздан жой олиб, уларни амалга ошириш юзасидан муайян тadbirkorларни амалга оширяптиз.

Бугунги кунда тармоқдаги 12 та корхонада жамоа шартномалари имзоланган. Уларнинг барчаси мейёр ва талаблар асосида 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга тузилган. Шартномаларда акс эттирилган шартлар бекаму кўст амалга оширилишини таъминлаш юзасидан назоратни кучайтирганмиз.

(Давоми 2-бетда)

## Янги кун

**Андижон**  
Шахрихон туманидаги касб-хунар коллежи ва академик лицейлар талабалари учун «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси асосида махсус ўқув-семинар бўлиб ўтди. Tadbir «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиали ҳамда савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.  
Энг фаол 25 нафар талаба янги лойиҳалари учун «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиалининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари билан тақдирланди.  
Tadbir якунида қатнашчилар туманда фаолият юритаётган «РАШ-МИЛК» сутни қайта ишлаш корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдилар.

**Қашқадарё**  
Қарши тумани маркази Бешкент шаҳрида «Озод Дийёр» деб номланган маданий-маърифий тadbirkorларга мўлжалланган янги бино қад кўтарди. Бу кошона миллий ва замонавий услубда тикланган бўлиб, тўю-маросимлар ўтказишга мўлжалланган. 450 ўринли маскан тadbirkor Озод Умиров бошчилигида бунёд этилди.

**Навоий**  
Томди туманида маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички имкониятлар ишга солиниб, тadbirkorлик доимий қўлаб-қувватланмоқда. Серб бўлган хомашё — жунни қайта ишлаш йўлга қўйилди.  
Туманда «Томди Камел Снервиз Кизилқум» масъулияти чекланган жамияти ана шу хайрли ишда жонбозлик кўрсатди. Натижанда 12 киши ишли бўлди. Айни пайтда кўй жуниндан кунига 150 кг. қалава ип ишлаб чиқарилмоқда.

**Фарғона**  
«Тўёна» ўзбек-турк қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганига саккиз йил бўлди. 80 нафарга яқин ёшлардан иборат жамоада жорий йилнинг биринчи ярмида 18 та тўқув дастгоҳида бежирим, кўркам гиламлар ишлаб чиқарилди. «Армон», «Жаннат гули», «Гул дийёр», «Мадонна» деб номланган гиламлар, айниқса, хариддорлар кўнглини қўнғитириш, янги ускуналар олиб келиб ўрнатилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини ташкил этиш йўлида изланишлар олиб борилмоқда.

**Самарқанд**  
Самарқандда «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастури доирасида «Miniteх.uz» халқаро кўрғазмаси ўтказилди.  
Кўрғазмада Ўзбекистон — Хитой савдо уюми, «Vnlks» компанияси ҳамда Хундистоннинг Ўттиздан зиёд йирик фирма ва компаниялари ўзларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқумачилик, сувни тозалаш ва томчиллаш суғориш, қишлоқ ҳўжалиги машиналари, қурилиш материаллари, полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, металл ва ёғочга ишлов беришга мўлжалланган ускуна ва технологияларини, шунингдек, тайёрлаётган маҳсулотларини намойиш этди.

**Тошкент**  
Тошкент фармацевтика институтида фармацевта таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Доридармон» акциядорлик компанияси, «Фармедсаноат», «Нобелфармсаноат» каби фармацевтика саноати корхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган тadbirkor олимлар, ёш тadbirkorчилар, талабалар ва ишлаб чиқарувчилар иштирок этди.



Шароит бор жойда унумдорлик ҳам бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда таъкидлашим жоизки, жамоа шартномаларининг аҳамиятини бугунги кунда ишчи-хизматчиларимиз ҳам жуда яхши билишади. Аъзолар билан учрашуларда улар бу мавзуда кўплаб фикр-мулоҳазалар билдираётганлигини, манфаатлари янада кенгрок акс этишини истаётганларини инobatга олиб, Бош келишув асосида қайта имзоланган жамоа шартномаларида меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила фарзандлари, ногиронларга моддий кўмаклашиш, фарзандларимизга ўқув қуроллари олиб бериш, уларнинг истеъодларини рўйб-га чиқариш каби шартлар янада кенгрок акс эттирилди. Ижтимоий шериклик таъминининг ривожлантирган ҳолда соҳа ходимларининг қулай шароитларда меҳнат қилиш ва дам олишлари, меҳнатлари муносиб рағбатлантирилишига эришиб келмоқдамиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан келишган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, касаначилик меҳнатидан фойдаланиш бўйича корхоналарнинг имкониятларини кенгайтириш, иш шароит-

ларининг мунтазам равишда яхшиланиб боришини таъминлаш борасидаги изланишларимиз, чора-тадбирларимиз ўз самарасини бермоқда. Истиқлол йиллари чинакамига янгилаштирилган бой бўлди. Мисол тариқасида, 2006 йил август ойида фаолият бошлаган Кўнғирот сода заводини келтириш мумкин. Айни пайтда бу ерда 1300 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Завод иш бошлаган дастлабки кунлардаёқ бу ерда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, ишчи-хизматчилар аъзоликка жалб қилинди. Сахро бағрида қисқа муддатда барпо этилган хашаматли завод ва афсонавий шахарча довури эндиликда юртимизда маълум машҳур. «Устюрт қидирув-бурғулаш бошқармаси» унитар корхонасида ижтимоий шериклик тамойилларига амал қилган ҳолда ишчи-хизматчиларнинг иш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида ҳам муваффақиятларга эришилмоқда. Айнан жамоа шартномаси асосида 2003 йилда корхона ҳисобидан 8 хонали 3 та турар-хона қурилиб, жамоада узоқ йиллардан бўён меҳнат қилиб келаётган ишчи-хиз-

матчилар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ходимларга берилди. «Тахياتош иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятида 2010 йил ҳамда 2011 йилнинг ўтган даврида 48 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 13 таси касаначилик асосидаги иш ўрни бўлиб, асосан фарзанд тарбиялаётган хотин-қизлар жалб этилди. Меҳнатчиларни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тузилган деҳқон хўжалигида 20 киши, иссиқхона хўжалигида 15 киши иш билан банд қилинди. Бу борадаги изланишлар давом эттирилиб, 2012 йилда жамият қошида балиқчилик, чорвачилик хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Дарвоқе, корхонада ишчи-хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз кетганда, 2008 йилда Ешлар йили муносабати билан жамият тарафидан 32 хонали кўп қаватли турар-жой биноси қурилиб, корхонада ишловчи ўш оилаларга бепул туҳфа қилинганлигини эсга олмаслик-

нинг иложи йўқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган давр мобайнида 1270 нафардан зиёд фарзандларимиз ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. 420 дан зиёд ишчи-хизматчи имтиёзли тарзда санаторийларда ўз саломатликларини мустаҳкамлади. Шу каби амалга оширилган ишлар аъзоларнинг ташкилотимизга бўлган ишонч ва ҳурмати ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Умуман, касаба уюшма аъзоларининг ҳеч бири эътиборимиздан четда эмас. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кучайтирилмоқда. Кўплаб спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда. Мақсадимиз эса, сўзимиз аввалида айтганимиздек, аъзоларимизни ҳар томонлама муҳофаза қилиш орқали истеъодларини рўйбга чиқаришларига кўмаклашидир. Сейтмурат БЕКИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон ёқилғи-энергетика комплекси, кийв сановати ва геология ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

● Намунали бошланғич ташкилот



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашида бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш борасида суҳбатлар, амалий машғулотлар асосида кўпинча «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси бошланғич ташкилоти тажрибаси тилга олинди. Бу бежиз эмас.

Нуфуз ўз-ўзидан ошмайди

Касаба уюшма кўмиталарини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат кишиси манфаатлари йўлидаги фаолиятини янада кучайтириш, кўмиталар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови кўп нарсага ойдинлик киритди. Унда қатнашган бошланғич ташкилотлар фаолиятини баҳолашда меҳнат-кашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ва меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий, спорт, соғломлаштириш, ташкилий масалалар, тарғибот-ташвиқот ишлари ўрганилиб, атрофлича таҳлил қилинди. Танловнинг шаҳар ва вилоят босқичларида голибликка эришган «Агробанк» Республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Ташкилот самарали фаолияти, касаба уюшмалари нуфузини оширишга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун танловнинг ижтимоий соҳа йўналишида учинчи ўринга лойиқ топилди, компютер жамланмаси билан тақдирланди. Айтиш жоизки, «Агробанк»нинг вилоят бошқармаси таркибидан 11 та бўлим бўлиб, уларда 560 нафар ходим хизмат қилади. Аъзолар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳат: жорий йилнинг ўзига уч томонлама шартнома асосида 239 нафар коллеж битирувчиси банкнинг хўжалик юритувчи субъектларига йўналтирилди. Бошланғич ташкилот меҳнат қилувчиларни дам олдириш, турмуш фаровонлигини ошириш, фарзандларига гамхўрлик кўрсатиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Шунингдек, маданий-маърифий ва спорт ишларини йўлга қўйиш, банк ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида олиб борилаётган тадбирлар ҳам кишини берақ қолдирмайди. Масалан, тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган аёллар ўртасида спортнинг олти тури бўйича ўтказилаётган мусобақаларда фаол иштирок этиб келаётган «Агробанк» жамоаси стол тенниси, стритбол бўйича биринчи, бошқа турлар бўйича эса совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Кези келганда банк «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ғимояга муҳтож, нафақага чиққан фахрийлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, уларга моддий ёрдам кўрсатаётганини таъкидлаш лозим. Жамоада касаба уюшма кўмитаси оёру-эътиборининг ошиши кўп жиҳатдан етакчи, унинг билими, тажрибаси, ташкилотчилиги-ў ташаббускорлигига боғлиқ. Кўмитани ўн йилдан бўён бошқариб келаётган Азим Аҳмедов ҳаммаса касаба уюшма аъзоларининг оғирини енгил қилиш, қувонч ташвишларига шерик бўлишга интилади. — Бугунги давр янгилашга ундамоқда, — дейди касабақўм раиси. — Бош мақсадимиз — юрт равнақи йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлаётган касаба уюшма аъзоларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдир. Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбир.

СУРАТДА: касабақўм раиси Азим Аҳмедов бир гурӯҳ фаоллар билан галдаги вазифаларни белгиламоқда.

Бизнинг ҳиссамиз

Вилоятимизда пахта йиғим-терими қизгин олиб борилади. Мавсумда теримчиларнинг дам олишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун касаба уюшма ташкилотлари томонидан турли кўнгли-лочар маданий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилди.

Кўтаринки руҳда

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли «Нефтич» маданият саройи ходимлари йиғим-теримида иштирок этиш билан биргаликда, ҳашарчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам хизмат кўрсатишди. Маданият саройининг ижодий гурӯҳлари Марказий Фарғона чўллари ва Ёзёвон туманида ҳашарчилар учун концерт дастурлари намойиш этишди. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг лауреатлари Мухаммадjon Усмонов, «Қир гуллари» рақс ансамбли, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ўзбекистон, сени қуйлайман» санъат фестивали иштирокчилари «Садо» доирачилар гурӯҳи ҳамда замонавий рақс ансамбли, эстрада хонандаси Сарвиноз Камолова, маком ижрочиси Ҳаётбек Комилов, «Янги авлод» фестивали «Самира» рақс гурӯҳининг чиқишлари ҳашарчиларга кўтаринки руҳ бағишлади. Валишер АЗИЗОВ, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудир



Таълим ва фан ходимлари Олмасор туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши билан 28-умумтаълим мактабда бошланғич касаба уюшма раислари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, касаба уюшмаларига аъзоликнинг афзаллигини тарғиб қилиш юзасидан таълиф ва мулоҳазалар билдирилди. — Бошланғич ташкилотларда учраб турадиган айрим муаммолар ҳамда иш бевурича ва ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномалари бузилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, — деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Озода Каримова. Давра суҳбатида «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан белгилаб берилган касаба уюшма фаолиятининг устувор йўналишлари» мавзуси атрофида фикр алмашилди. СураТда: Таълим ва фан ходимлари Олмасор туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Гулнора Алимухамедова касаба уюшма фаоллари билан. Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Аёл сарғиш ранг эшикни тортибгина чертди. «Киринг», деган овозни эшитгач ичкарига кирди. Рўпарасидаги йиғитнинг хайрихоҳ назарини, диққат билан уни тинглашга шай турганлигини кўриб, аёлнинг журъатсизлиги тумандек тарқади. — Раҳбаримнинг зугумлари жонимдан ўтди, — мақсадга ўтиб қўя қолди аёл. — Ишлатгани кўймайди, арзимас баҳоналар толиб, «аризангни ёз» деяверади. Энди бўлса «қисқартиришга» туширибди. Урнимда бўлса, ўзининг аллақандай қариндошимми-ей, танишимми-ей ишляпти. Шу инсофданми?! — Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди Орифжон ака. — Масалани ўрганайлик-чи, ҳаммаси сиз айтганча бўлса, ёрдам қиламиз албатта, кўнглингизни тўқ тутинг. Аёлнинг синиқдан чеҳрасига ранг югургандек бўлди. Ҳуқуқшуносга умидвор боқиб, аста ўрнидан кўзгади. — Ёрдам қилинг, жон ука, бир этак болаларим бор, турмуш урғоним ногирон. У қичиб кетганидан сўнг Орифжон Гайназаровни сўнгсиз хаёллар қамраб олди. «Қизик, лавозим қисқартирилган бўлса, қандай қилиб «ўз одами»ни ишга қабул қилиши мумкин. Шаҳар бедарвоза эмас-ку, қонун бузилган жойда барака бўларканми? Ундан кўра, ҳар бир раҳбар меҳнат қонунчилигини чуқур ўрганса ва шунга қараб иш тутса-чи...» Шу пайт беҳос телефон жиринглади. Орифжон ака гўшақни кўтарди. — Алло, эшитаман, — Орифжон, иним, жамоамизда

эртага ўтадиган ҳуқуқий тадбирга келасизми? — деб сўради тармоқ таркибидagi бошланғич касаба уюшма кўмитаси раисларидан бири. — Албатта, раҳбарингиз ҳам иштирок этса керак? — Иштирок этади, яна иш бевурича ҳам келади. — Жуда яхши-да, мен вақтида ўша ерда бўламан, ҳамкасблардан ҳам борадиганлар бор. Дилини эзаётган ботмондек ғашлик ўрнини хузурубаш сурур эгаллади ва ҳалиги аёлнинг аризасини олиб, ўқишга тутинди. Бу пайт кун пешиндан оққанди... Орифжон ака ишга сидқидилдан киришди. Дарҳақиқат, аёлнинг ҳуқуқлари топталганди. Иш бевурича

Абдуллажон ака билан Маҳбубахон ака саккиз нафар фарзандни ок ювиб-оқ тараб ўстиришди, меҳнатсевар, одам-моҳун қилиб тарбиялаб, ҳар бирининг дилига эзгулик уруғини экишди. Эҳ-е... Тошкент тўқимачилик компаниясида ишлаб юрган кунларининг ўзи бир китоб. Меҳнатдан қайтмади, пировардида ўзи ҳам кам бўлмади. Тошкентдек азим шаҳарда уй-жой қилди. Қўшни қишлоқлик Ҳамидахонга уйланиб, муҳаббат бахтини туйди. — Рафиқамда оназоримнинг кўп хислатларини кўраман, — дейди Орифжон ака. — Сабри, оқила, тежамкор ва жуда пазанд. Хуллас, икки ўғилнинг истиқболи деб эр-хотин ишлаб ётибмиз... Инсон ўз-ўзидан, кеңираётган кун-

— Меҳнатқашларни ҳимоя қилишдек, эзгу мақсадни шюор қилган тизимда ишлаш қисматимда борлигидан беҳад бахтиёрман, — дейди у. — Шу ерда кимнингдир қорига ярасам, падали бузурувчимнинг «Эгилганнинг бошини сила, ўқсининг кўнглини овла» деган сабоғи эсимга тушаверади. 1994 йилдан Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнат ҳуқуқи инспектори лавозимда иш бошлаган ади, айни пайтда эса Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ҳуқуқшуноси.

лигини билдириб, компанияга ўз ҳулосасини жўнатди. Пировард натижада А.Миннеғалимова ишга қайта тикланди ва мажбурий бекор юрган кунлари ҳамда иш вақтидан ташқари ишлари учун 1 млн. 400 минг сўм миқдориди иш ҳақи олди. «Ипотека банк» АТИБ бошқаруви ходими Ш.Қурбоновнинг аризаси ҳам синчиклаб ўрганилганда, маълум бўлдики, ходимга иш жараёнида икки марта интизомий жазо қўлланилган (хайфсан ва иш ҳақига нисбатан жарима). Бироқ шу ўринда қонун бузилган, интизомий жазо қўллашдан олдин иш бевурича ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши

возимидан озод этишда меҳнат қонунчилигининг бузилишига йўл қўйди. Шу ҳақда иш бевурича гат ёзилди, ходимни ўз ишга тиклаш лозимлиги таъкидланганда, у талабномани эътиборсиз қолдирди. Шундан сўнг судга даъво ариза киритилди ва пировардида суд қарори асосида ходим ўз ишга қайта тикланди. Меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояси, манфаатлари ҳақида сўз борар экан, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам кўн тартибидagi масалалардан ҳисобланганди. Қонун устувор мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхон бўлиши учун кўмаклашиш асосий вазифалардан саналади. Сўнгги вақтларда бу борада жиддий саъй-ҳаракат кўрсатилмаётган. Касаба уюшма ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда ҳуқуқий тизимга дахлдор мутахассислардан ташқари иш бевурича ҳам бевосита иштирок этмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятидаги Мудоффа вазирлиги тасарруфидagi 226-сонли бирлашган омбор жамоаси ўртасида ташкил қилинган тадбирда шу хол кузатилди. Унда йиғилганлар «Иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби», «Ички меҳнат қондаларининг аҳамияти ва қабул қилиш тартиби» мавзусидаги маърузалардан кўп нарса билиб олишди. — Орифжон ўз ишга ниҳоятда масъулиятли, — дейди Марказий кенгаши раис ўринбосари Бўришоди Шодиёва. — Қолаверса, инсон сифатида ҳам беазир. Бировга ноҳақ тош отилаётганини кўрса, асло четда турмайди. Имкон қадар унга кўмак беришга, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у жамоада қадрли. Мустақиллигимизнинг қуллуги тўйи арафасида «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 20 йил» эсдалик нишонини билан тақдирлангани эса барчамизни қувонтирди. Ҳа, яхшилик қила оладиган инсон гўё ўзидан нур таратади. Бундайларни биз фаршлагли, файзли одамлар деймиз. Ҳуқуқшунос акамиз Орифжон Гайназаров ҳам ана шундайлар сира-сидан. Азиза АҲМАДАЛИЕВА, журналист

Фарошталли одамлар

билан учрашди. Лекин масалани ҳал этишининг иложи бўлмади. Шундан кейин фуқаролик судига даъво ариза киритди. Ниҳоят, адолат тантанга қилди. — Бировга яхшилик қила билиш саваб, — дейди Орифжон ака. — Марҳум падали бузурувчим Абдуллажон ака икки гапнинг бирида «Эгилганнинг бошини сила, ўқсининг кўнглини овла. Қумагинга муҳтож одамнинг ўрнида ўзининг кўн, унинг дардини дардинг, ташвишини ташвишинг бил, ана шунда сира кам бўлмайсан», дегувчи эди. Дарҳақиқат, Орифжон аканинг шаклланишида ота-онасининг ўрни бекиб. Шаҳрихондек дилбар гўшанинг «Оқмачит» қишлоғида қурувчи

ларидан, қилаётган омулудан кўнгли тўлмас экан, унинг турмушида халоват бўлмади. Қувончлари-да, ютуқлари-да кемтик тулолаверади. Шундай ҳолат Орифжон акага ҳам бегона эмасди. Бир кунни ўйлаб, орзусини рўёбга чиқаришга қарор қилди ва ҳаракатини бошлади. Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига ҳужжат топширди. Тириншоқ йиғит кўп ўринди ва ниҳоят кечки бўлимига илдинди. Узусуқун ишлаб, яна ўқийшини заҳмат-машаққатларини фақат бошидан кечирган билди. Фалақининг гардиши айланаверди, Орифжон ака ризки қаерда бўлса, ўша ерда ишлайверди. Лекин касаба уюшма тизимига ўтгандагина, ўзлигини англади.

Хали айтганимиздек, ўтган йиллар бесама қечгани йўқ. Бу даргоҳдан ёрдам сўраб келганларнинг ноумид қайтмаслиги учун астойдил елиб-югурди. Мана, шулардан бири. Ўтган йилнинг январ ойида Сирдарё вилоят ҳокимлигининг қурилиш бўйича Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси раҳбари ходим А.Миннеғалимованинг меҳнат шартномаси (лавозими қўсқарчилиги муносабати билан) бекор қилинишида амалдаги қонун талаблари бузилишига йўл қўйди. Бу ҳолдан норози бўлган ходим касаба уюшмадан нажот сўраб, кенгашга мурожаат этди. Орифжон ака маъзур ҳолатни чуқур ўрганган, меҳнат қонунчилигининг айрим бандлари жиддий бузилган

лозим эди. Аммо у бундай қилмаган, демак, ўз-ўзидан хайфсан ҳам ноқонуний саналади. Иш ҳақига нисбатан жарима қўлланишида эса жазо қўллаш унбон белгиланган бир ойллик муддат ўтказиб юборилган. Масала ўрганилиб, текширув натижаси бўйича иш бевурича гат ёзилди. Хатосини англаган иш бевуричи Ш.Қурбоновга нисбатан жазо чоралари қўлланигани ҳақидаги буйруқларни бекор қилишга мажбур бўлди ва ходим яна ўз вазифасини давом эттиришга киришди. Пойтахтдаги Улўбек туман Бандликка кўмаклашувчи марказ ходими С.Мирзаева тан жароҳати олганлиги боис ногиронлик белгиланган эди. Иш бевурича уни эгалаб турган ла-

### 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

### ШУ ЁРЛИҚ ОСТИДАГИ КИЙИМЛАР БИЛАН ОЛИМПНИ ЗАБТ ЭТИШАДИ

(Боши 1-бетда)

Эр йигит эл юкани энгиллатади, дейишади. Қадимий Чуст шаҳрининг кўпчилик ёшларини иш билан таъминлаган ва бу ишни давом эттириш ниятида тинимсиз изланаётган МЧЖ раҳбари Д.Исматуллаев кўпчиликнинг дуосини олаётди. Сабаби, корхонада ишлаётган аксарият ёшлар ўз оиласининг иқтисодий аҳолини кўтаришга муносиб ҳисса қўшиш имконига эга. Энг яхши рағбат — муносиб иш ҳақидир. «Stylectile»нинг шодон ва чаққон ходимлари эса бу рағбатдан ташқари, байрам ва турли кувончли кунларда мукофот пули, совға-саломлар билан хушнуд этилади.

Қайси цехга кирманг, юзидан кулги аримайдиган ёшларни кўриб, ҳавасингиз ортади. Табиийки, бундай шароит яратишнинг ўзи бўлмайди. Оиласидан кўнгли тўқ, эртасидан бежавотир кишигина чин дилдан ишга киришади. Дарвоқе, тушлик учун қаергадир овқат излаб чиқиш ҳам шарт эмас. Корхона ҳовлисидаги 400 ўринли ошхона ишчилар хизматига.

Ходимлар иш кийими билан таъминланган, меҳнат татилига чиқса эса бир ойлик маоши миқдорига ёрдам пули ҳам олишади. — Бу ерда ишлаётганимга беш йил бўлди, — дейди биз билан суҳбатда тикувчи Шарофат Фазлиева. — Шу вақт ичида корхона-миздаги шароит яхшиланиб борди. Уч юз минг сўмдан ортиқ ойлик оламан. Бундан ташқари мукофот пулларимиз ҳам бор. Иш кийимимни кийишим билан аллақандай туйғу: хузурми, гурурми кўнглимни эгаллайди. Ахир, биз тиккан либослар дунёнинг ривожланган шаҳарларида ҳам ўз эгасини топмоқда. Шу иш орқали эса рўзгоримга барака киратири.

«Бизнинг маҳсулотлар Сочидagi Олимпиадага етказиб бериларкан!» Бу хабардан корхона ишчиларига эмас, бутун юрт кувонди. Ахир, бу ўзбек текстилчиларининг меҳнати эътирофи ҳамдир. Бу «Ўзбекенгилсаоат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж кийим-кечаклар юқори сифати, дизайни билан ҳам кўпчиликка манзур бўлаётганидан дарак. Айна вақтда корхона 2014 йилда Сочида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича имзоланган шартнома бандларини бажариш устида изланмоқда.

Рақамларга эътибор қилинг: 2009 йилда «Stylectile» корхонаси томонидан 789 минг АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 2 млн. 523 минг АҚШ долларигача ўсди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса натижа-лар янада юқори бўлишига корхона масъуллари ишонч билдириш-моқда. Чунки жорий йилнинг 4 ойи давомида 925 300 АҚШ долларилек трикотаж маҳсулоти ташқи бозорга етказиб берилди.

Фойда юқори, табиийки, ўз вақтида тўланаётган солиқлар ҳам давлат газнасини бойитишга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2010 йилда 320 млн. сўм солиқ тўланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августда қабул қилинган «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил июлида жамият томонидан «Барийон» акциядорлик жамияти ҳудудида бўш турган ишоотда реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу иш учун 300 млн. сўм сарф этилди. Натижада янги цех ташкил қилинди ва у «JUK» компаниясининг 300 минг АҚШ долларилек миқдоридagi замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди.

— Ишлаб чиқариш ва экспорт қувватимиз ошгани сари ходим-ларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимосини ҳам яхшиланади. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлашга ҳам имкон туғилади, — дейди Дилшод Исматуллаев. — Корхонада меҳнат қилаётган 370 кишининг етмиш фоизини касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Хар йили шахримиздаги «Мустақиллик» коллежи битирувчиларидан бир гуруҳи амалиёт ўташ учун келишади. Бу давр ичида ўзини меҳнати ва тиришқоқлиги билан кўрса-та олган ёшларимизни ишга тақлиф этамиз.

Ёшлар бор жойда кувонқ кайфият, жўшқинлик, янги-янги гоғлар мувоқамаси бўлиши табиий. Ташаббускорлик эса тараққиётга хиз-мат қилади. Ўз сафига юзлаб ёшларни бирлаштирган корхона-нинг омадли одимлари сирини ҳам шундадир балки.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири



Қамаши туманининг Қорақўтон қишлоғида уч ярим мингга яқин аҳоли яшайди. Қишлоқда лимончилик яхши ривожланган. Соғлиққа қони фойда бўлган ушбу неъматни етиштиришда Жалол бобо Мандалов, Тўхта хожи Очилов, Шоймардон Мўминов, Жўра Худойбердиев каби миришкорларнинг тажрибаси катта. Биз Шермамет Норчаевнинг лимонарийида бўлдик.

— Турмушимиз деҳқончилик орқасидан кечяпти, — дейди у. — Лимончиликдан яхши даромад олаёلمиз. Саримсоқпиез, помидор, бодринг ҳам талаб катта...

Баҳром бобо Омоновнинг ҳовлисида ўтдик. Фарзанд ва набиралари иш билан банд эди. «Ҳорманг» дея ўғли Аслиддиннинг ёнига бордик. Ҳол-аҳвол сўрашгач, лимонарийга кирдик.

## Лимондан келган миллионлар

— Аслиддин, сир бўлмаса, ўтган йил ҳосил қандай бўлди?

— 600 кг. ҳосил олдим. Кило-сини 4000 сўмдан уйдан олиб кетишди.

— Қишда иссиқхона қандай исиydi? Печка ёки газ қувурла-ри кўринмайди...

— Табиий ҳолатда. Ҳеч қан-дай газ ёки электр иситгичдан фойдаланмаймиз. Плёнканинг ўзи кифоя. Яна бир иссиқхона-

миз бор. Ундаги лимонлар ҳали ёш. Шу боис, у ерда қишда ора-лик экин сифатида турли кўчат-лар, помидор ва бодринг ниҳо-ли етиштирди. Ҳовлимизга эка-диган кўчатлар ўзимиздан чи-қди. Помидор ва бодрингнинг ҳам уйимиздан олиб кетишди.

— Табиий ҳолатда. Ҳеч қан-дай газ ёки электр иситгичдан фойдаланмаймиз. Плёнканинг ўзи кифоя. Яна бир иссиқхона-

Богимизда узум етиштира-миз. Меҳнатимиз орқасидан рўзгоримиз обод. Ўтган йилги даромадимизга «Дамас» олдик...

Қорақўтон қишлоғининг меҳ-наткаш халқи унча катта бўлма-ган ердан ҳам унумли фойдала-ниб, яхши яшаш мумкинлигини исботламоқда. Рост-да, бошқа шаҳар ёки давлатга бориб, би-ровнинг иссиқхонасида ишла-гандан кўра, шу меҳнатни ўз уй-ида қилганга не етсин!

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири



## Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Андижон вилоятида автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли мулкчилик шаклидаги йигирмадан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили Шаҳрихон туманида ишга туши-рилган «SDK Group And» хорижий корхонаси автомобиллар учун йилга 3 миллион дондан зиёд мой, ҳаво ва ёқилғи филтрлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона маҳсулот-лари асосан Асака ва Самарқанд шаҳридаги автомобил, Тошкент шаҳридаги трактор завод-лари сингари етакчи саноат субъектларига ет-казиб берилмоқда. Ўтган йили корхона томо-нидан 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб

чиқарилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 2 миллиард 740 миллион сўмни ташкил этди. Айна пайтда корхонада 185 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат.

Суратда: йигув цехи ишчиси Мухайёно Оху-нова.

Хурсандбек АРАББОВЕВ (ЎЗА)  
олган сурат

«Микрокредитбанк»нинг Асака филиали томонидан қишлоқ жойларида иқтисодий ишловчиларни жадаллаштириш, унда хусусий мулк улушини кўпайтириш, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Филиалнинг жорий йил 1 август ҳолатига жами кредит қўйилмаси 4 млрд. 191 млн. сўмдан ошиб кетди. Кредит эвазига 252 та янги иш ўрни яратилди.

## Коллеж битирувчисига имтиёзли микрокредит

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бораси-даги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Асака тумани ҳудудида жойлашган коллежлар битирувчиларига имтиёзли кредитлар ажратил-ди.

— Ҳозирда тадбиркорлик фаолиятига қизиққан ёш тадбиркорлар ва коллеж битирувчилари му-рожаати асосида 69 млн. сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратдик, — дейди банк бош-қарувчиси Д. Убайдуллаев. — Натижада 21 нафар йигит-қиз муқим иш ўрнига эга бўлди. Шунинг-дек, белгиланган режа асосида тадбиркор аёл-ларга миллил буюмлар тикиш, каштачилик, дўппидозлик ва аънанавий матолар тўқиш учун ҳам микрокредитлар ажратялмиз.

Албатта, ёш тадбиркорлар берилган кредит-лар эвазига ўз хоҳишларига кўра янги бизнес лойиҳаларга қўл урмоқда. Жумладан, Асака ту-ман индустриал касб-хунар коллежи битирувчи-си С.Атахоновага чеварчилик фаолиятини ривож-лантиришга, ёш тадбиркор О.Обитжоновга ўз фаолиятини бошлаши учун 2 млн. 400 минг сўмдан, Андижон Давлат тиббиёт институти қош-идаги академик лицей битирувчиси М.Айса-ковга уяли алоқа воситаларига хизмат кўрсатиш

учун 4 млн. 900 минг сўм, коллеж битирувчиси Х.Юлдашевга «Раупе» хизмати кўрсатиш учун микрокредитлар ажратилди. Бу рўйхатни яна да-вом эттириш мумкин.

«Асака жозибаси сеҳри» хусусий корхонасига тикувчилик фаолиятини янада ривожлантириш учун 4,900 млн. сўм ажратилган эди. Натижада 6 та янги иш ўрни вужудга келди. Шунингдек, яқка тадбиркор Д. Алиевага савдо фаолиятини юритиши учун 1 млн. 700 минг сўм, «Малагим маликаси» хусусий корхонасига тикувчиликни йўлга қўйиши учун 21 млн. сўмлик кредит бе-рилди.

Филиал томонидан 2011 йил давомида иқти-содий жиҳатдан барқарор фермер хўжаликлар техника базасини кучайтириш мақсадида туман-даги «Барака» фермер хўжалиги жами 20 млн. сўм ажратилиб, қишлоқ хўжалик техникаси ва культиватор сотиб олинди.

Жорий йилда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида балиқчилик, парранда-чилик ва асаларчиликни ривожлантириш учун ҳам банк томонидан кредитлар ажратилди. Дастурга асосан Асака туманида 23 та, Марҳа-мат туманидаги 15 та хонадонга парранда олиб берилди.

Абдулхай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Дунё касабани уюшма ташкилотлари фаолиятидан



Париж шаҳридаги д'Орсэ музейи икки йиллик реконструкциядан сўнг қайта очилиши кутилаётган эди. Бироқ иш ўрни қисқартирилишдан норози ходимлар туфайли мазкур тадбир кечиктирилди.

## Музей... очилмади

Импрессионист рассомларнинг асарлари коллекцияси билан машҳур ушбу музей таниқли меъмор ва дизайнер Жан-Мишель Вильмот томонидан қайта режалаштирилган галереяларини санъат муҳлисларига намойиш қилишни режалаштирган эди. Бу орада, музей маъмуриятининг 2012 йилда иш ўринларини қисқартириш тўғрисидаги қарордан норози бўлган ходимлар ишга чиқадан бош тортиди. Пайшанба кунин улар ўзларининг кейинги хара-катларини муҳокама қилиш учун йиғилиш ўтказиши кутилмоқда. Хабарларга қараганда, музей маъмурияти икки йиллик таъмирга умумий ҳисобда 20 миллион евро сарфлаган.

## «Ford» автоконцерни ва «United Auto Workers» автомобилсозлар касабани уюшмаси ўртасида янги ишга қабул қилинадиган ходимлар билан шартнома тузиш тўғрисида тўрт йиллик келишув расмийлаштирилди, дея хабар беради автокомпания матбуот хизмати.



## Янги шартнома тузилди

Заводнинг 26 минг нафар ишчиси (63 фоиз) ушбу ҳужжатни ёқлаб овоз берди. Янги шартларга кўра, заводнинг соатбай иш ҳақи тўланадиган барча ишчиси иш ҳақининг оширилиши ўрнига фойдани тақсимлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги так-лифга рози бўлишди. Шундай қилиб, янги келишувга кўра «Ford»нинг ҳар бир ишчи-си йилга қўшимча иш ҳақи — «бонус» сифатида энг камда 16 минг АҚШ доллари оладиган бўлди.


## Финляндия «VR» миллий темирйўллар бошқармасининг бир гуруҳ бошқарувчилари Россия фуқароларидан арзон ишчи кучи сифатида фойдалангани учун ишдан бўшатилди.



## Адолат қарор топди

Ҳан «VR Transpoint International» халқаро юк ташини компания-сининг икки нафар менежери ҳақида кетмоқда. Хайдовчилар каса-ба уюшмаси берган маълумотга қараганда, «VR» жамоа меҳ-нат шартномаси шартларини бузган ҳолда россиялик узоққа кат-новчи юк машиналар хайдовчиларига соатига атиги 2-3 евро ҳақ тўлаган. Ўтказилган текширув ва музокара натижасида компания ушбу хайдовчиларга тоvon сифатида шартномада кўрсатилган миқдорда ҳақ тўлашга рози бўлган.

## Россия «Sea Master-1» теплоходига Сомалига хавфли рейсларга чиқишдан бош тортиган етти нафар россиялик денгизчи Кениянинг Момбас портида кема экипажи алмаштирилганидан сўнг Россиянинг Приморье вилоятига қайтиб келди.



## Денгизчилар уйга қайтишди


Приморье ўлкасида яшовчи етти нафар денгизчи 26 сентябр кунин ватанларига қайтишга ёрдам беришни сўраб Россия ден-гизчилар касабани уюшмасига муурожаат қилган эди. Муурожаатда ёзилганча, денгизчилар ишга қабул қилинганда уларга кема Сомалига юк олиб бориши хабар қилинган. Кейинроқ кеманинг қароқчилар ҳужуми кўп ўчрайдиган хавфли ҳудудлар — Аден бўғо-зи, Қизил денгиз, Ҳинд денгизининг жанубий қисмидан ўтиши маълум бўлган.

Бундан ташқари, экипаж аъзолари кемада озиқ-овқат ва ичим-лик сувининг ёмонлиги, маошнинг озлигидан ҳам шикоят қилиш-ган.

Октябр ойининг бошида «Sea Master-1» теплоходи Судан пор-тига кирди ва у ерда кема эгалари билан музокара ўтказилган, денгизчилар кема Кениянинг Момбас портига етиб боргунча яна ярим ой хизмат қилишга рози бўлишган эди.

Экипаж аъзолари алмаштирилиб, россиялик денгизчилар уй-ларига қайтган, теплоходни Момбас портида Транспортчилар Хал-қаро Федерацияси (ИТФ) инспекторлари текширувдан ўтказди. Улар кеманинг ҳеч бўлмаса қисман таъмирдан чиқарилшини ва унда денгизчилар учун қулай иш шароити яратилишини талаб қилишди.

## Греция парламенти Европа Иттифоқи ва Халқаро Валюта Фонди томонидан вазда қилинаётган кредитлар эвазига ойлик маош ва нафақаларнинг қисқартирилишини ёқлаб овоз берди.



## Харажат қисқартирилади

Минглаб депутатларнинг ҳам вазирасидан овоз қилинишига сабаб бўладиган янги қонунга ҳукуматни бошқараётган ПАСОК социалистик партияси депутатлари овоз берди. Чунки креди-торлар ушбу чора-тадбирларсиз мамлакат ўзининг 350 миллиард долларлик қарзидан қутулиш имконини берадиган кредитларни ололмаслигини маълум қилишди.

Интернет хабарлари асосида Ж.ЮНУСОВ тайёрлади

